



УЎК: 378.091.3:811.

*Нилуфар ДЖАЛИЛОВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси
nilu-smart@mail.ru:*

ЎзДЖТУ профессори, ф.ф.н. Ирискулов М.Т. тақризи асосида

LEARNING ENGLISH AS THE MOST IMPORTANT ELEMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE DOCTORS

Annotatsiya

The learning of English language in a medical university, as a tool for the formation of the intellectual potential of the individuality and professionalism, is an important discipline, which is aimed at educating a competent specialist. The process of training future medical personnel prepared for cross-cultural communication, capable of using English for scientific and professional activity in conditions of the global information environment requires comprehensive optimization and improvement of the process of English language learning in the field of higher medical education.

Key words: English, professionalism, competence, method, training, education, medicine, study.

ИЗУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА КАК ВАЖНЕЙШИЙ ЭЛЕМЕНТ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ВРАЧЕЙ

Аннотация

Изучение английского языка в медицинском вузе, как инструмент формирования интеллектуального потенциала личности и профессионализма, является важной дисциплиной, направленной на воспитание компетентного специалиста. Процесс подготовки будущих медицинских кадров, подготовленных к межкультурной коммуникации, способных к использованию англоязычной научной и профессиональной информации, годных к условиям глобального информационного окружения требует всесторонней оптимизации и совершенствования процесса изучения английского языка в сфере высшего медицинского образования.

Ключевые слова: английский язык, профессионализм, компетенция, метод, обучение, образование, медицина, изучение.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ МУХИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

Аннотация

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўзлаштириш жараёни касбий маҳорат ва интеллектуал салоҳият шакллантиришининг муҳим омили сифатида намоён бўлиб, профессионал жихатдан етук мутахассисларни тарбиялашга қаратилган. Глобал аҳборот муҳити шароитига мослаша оладиган, инглиз тилидаги илмий ва касбий маълумотлардан фойдалана оладиган, маданиятлараро мулоқот учун тайёргарлик даражаси юқори бўлган бўлажак тиббиёт ходимларини тайёрлаш олий тиббий таълим соҳасида инглиз тилини ўрганиш фаолиятини ҳар томонлама оптималлаштириш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Калит сўзлар: инглиз тили, профессионализм, компетенция, метод, тренинг, таълим, тиббиёт, ўзлаштириш.

Кириш. Замонавий тиббий олий таълимнинг бугунги кун эҳтиёжлари тиббиёт соҳасини глобал ривожланиш тенденцияларига мослашиш, бунда мазкур вазифани тўлақонли амалга оширишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш вазифаларини амалга оширишга қаратилган. Бўлажак шифокорларни тайёрлашдаги янгича ёндошув модели жаҳон меҳнат бозорига интеграциялашувни таъминлашни, шунингдек, инглиз тилини мукамал эгаллаган, мобил ва юксак маҳоратли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27-июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли Қарорида бугунги кунда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни ташкил қилиш ҳамда хорижий таълим муассасалари билан халқаро тажриба алмашинуви ташкил қилиш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилад экан, бўлажак кадрларни халқаро стандартлар даражасига етказиш, уларнинг хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини мукамал эгаллаши масаласи кун тартибига долзарб вазифа сифатида намоён бўлади. Тиббий олий таълимда мутахассислик ва инглиз тили

фанларининг ўзаро интеграциялашувига етук профессионал даражани лойиҳалаштириш ва таъминлашни назарда тутган ҳолда, фанлараро уйғунликни таъминлаш методикасини ривожлантиришни талаб этади. Тиббиёт соҳа мутахассиси учун касбий компетентликнинг самарали механизмлари, ўз навбатида, касбий-методик компетентликкача бўлган даврда профессионал дастурларнинг хилма-хиллиги, замонавий дунё талабларига мослашувчанлиги билан характерланади. Бунда олий таълим тизимида инглиз тили бўйича ўқитиш методологиясининг янгича модели олий таълим тизимини ислох қилиш шартлари билан ҳамоҳанг равишда, тиббиёт соҳаси учун бўлажак мутахассисларнинг замонавий қиёфасини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Замонавий тадқиқотлар турли мутахассислик йўналишидаги олийгоҳларда инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг тил кўникмаларини янада оширишлари учун асосан интерактив ўқитиш услубларини такомиллаштириш ва замонавий мутахассисликка мослашган ўқув дастурларини яратиш каби вазифаларнинг муҳимлиги таъкидланар экан, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги самимият ва ишонч даражасининг ўта долзарблиги ҳам алоҳида ўрин тутиши тақозо этилади

[1]. Инглиз тилининг замонавий глобал иқтисодий-таълимий "ишлаб чиқаришнинг маҳсулотли сифатида" тобора кириб келиши эса унинг жаҳон иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ўта қадри эканлигини белгилайди [2]. Шунингдек, замонавий таълимий таълимий ва техник таракқиёт жараёнида кўплаб қийинчиликлар ва муаммолар мутахассисларнинг инглиз тилини етарли даражада ўзлаштирилмаслиги оқибатида вужудга келиши, дарвоқе, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда бакалаврият дастурларининг такомиллаштириш механизмларини янгилаш шакллантириш муҳимлиги таъкидланади. Шунингдек, талабаларнинг инглиз тили бўйича зарур компетенцияларни шакллантиришда соҳавий илмий коммуникация, ёзув ва тақдирот қобилиятларини янада ривожлантиришнинг янги услублари илгари сурилади [3]. Педагогик тизимнинг ўзига хос хусусияти унинг таркибий компонентлари конструктив, диагностик, коммуникатив механизмлар кўринишида намоён бўлиши, унга педагогик жараёнинг барча иштирокчилари фаол жалб этилиши каби ёндошув касбий компетентлик ҳақидаги тушунчанинг яна бир талқини сифатида белгилаб берилади [4]. Шунингдек, баъзи экспертлар томонидан илгари сурилган касбий ривожланиш аслида малакавий салоҳиятнинг баҳолалишига таянувчи профессионал ривожланиш эканлиги, бунда ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро таъсир ҳақидаги далилларга асосланиш муҳимлиги ҳақидаги изланишлар ҳам диққатга сазовор [5].

АҚШ Кентаки университети профессори Томас Р.Гаски профессионал компетенция инсоният тарихида, таълим жараёни ривожланишининг барча босқичларида, сиёсий ўзгаришлар ва қонуний ислохотлар замида зарурий бўлган ўзгаришларга эришишнинг асосий воситаси бўлиб келганлигини таъкидлайди [6]. Томас Р.Гаски талабаларни ўқитиш фаолиятини яхшилаш борасида ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини ошириш учун самарадорликни аниқлаш бўйича беш поғонали даражани оддийдан ўта мураккабликкача қуйидагича ифодалайди:

1.Таълим иштирокчиларининг малака ошириш жараёнига бўлган муносабати ва тажриба.

2.Таълим олиш муддати ва амалиёт.

3.Рағбат ва ёрдам.

4.Янги билим ва кўникмалардан фойдаланиш.

5.Талабаларни ўқитишни мунтазам яхшилаш.

Бунда олим самарали малака ошириш ҳамда аниқ мақсадга эга бўлиш билан бирга баҳолаш тартибларини тўғри ташкил этиш механизмларини белгилаб беради. Масаланинг ечимини режалаштиришда Томас Р.Гаски қуйидаги қадамларни белгилаб беради:

- Мазкур фаолиятнинг ўқитиш фаолиятига алоқасини мувофиқлаштириш;

- Ўқиш сўғида талаба қандай натижаларга эришишини аниқлаш;

- Самарали натижаларга энг яхши таъсир этган жиҳатларни топиш.

Томас Р.Гаскининг фикрича, ўқитувчининг малака ошириши, янги услуб ва кўникмалардан фойдаланиши, шунингдек, ҳар бир ўзгаришга индивидуал жараён сифатида ёндошув муваффақиятли натижага эришиш учун пойдевор яратади, шу билан бирга, индивидуал ва ташкилий жараёнларнинг оптимал равишдаги узвийлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли тавсия этилиши мумкин бўлган сифатли касбий ривожланиш жараёнининг энг афзал томони ташкилий ва мотивацион жиҳатларнинг мувофиқлигидир, деган хулосага келади.

Умумий методологик тавсиф. Тиббиёт соҳа мутахассиси билимли ва ўз фаолиятининг моҳир устаси

бўлса-да, глобаллашув жараёни ҳамда фан ва технологияларнинг жадал ривожини ҳар бир соҳа вакили учун ўз шартини қўяди. Англиянинг *UsingEnglish.com Limited* халқаро веб саҳифаси тадқиқотчиси доктор Г.Маниваннан фикрича, соҳа мутахассисларининг муваффақиятли касбий маҳорати уларнинг коммуникатив қобилияти билан чамбарчас боғлиқдир [7]. У ёзиш, мантикий фикр юритиш салоҳияти билан бир қаторда, мулоқот компетенцияси жуда муҳим аҳамиятга эгалигини, маркетинг ва ишбилармонликда касбий салоҳият ўзгалар билан келишув ва ўзаро бир-бирини тушунишга эришиш каби қобилият билан низоҳатда боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бунда тиббиёт ОТМ лари талабаларини ўқитишда сифат кўрсаткичларига эътибор берган ҳолда, "касбга йўналтирилган инглиз тили" – *English for specific purposes (ESP)* га онд коммуникатив компетенция ҳосил қилиш бўлажак соҳа мутахассислари учун аниқ муддаодир. Буюк Британия Бирмингем университети профессори Мартин Хьювингзнинг фикрича, ESP нинг ривожланиш тенденциялари келгусида географик жиҳатдан кенг тарқалувчи, мутахассисликни жаҳон миқёсида янада юқори поғонага кўтарувчи йўналиш сифатида намоён бўлмоқда [8]. Шу билан бирга, инглиз тилини ўқитишга қаратилган вазибаларнинг бугунги кун ислохотлари натижасида жадал ошиб бориши туфайли, тиббий соҳага қаратилган инглиз тили дарсликларининг кўпчилиги эскириб қолганлиги, бу борада янги адабиётларга бўлган эътиборнинг кундан-кунга ошиб бораётганлиги барчага маълум. Талабаларни инглиз тили бўйича саводхонлиги даражасини белгилаш бугунги кунда Европа Кенгашининг "Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш" тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (*CEFR – Common European Framework of Reference*) талаблари эътиборга олинган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Унда белгиланган чет тилини билиш даражасининг тўртта кўрсаткичи, яъни тинглаб тушуниш, оғзаки мулоқот, ўқиш ва, фикрни ёзма баён этиш доирасида тил эгаллашга қўйилган талаблар ва мезонлар ўз ифодасини топган [9]. лекин, айтиш жоизки, хорижий тил ўқитиш дастурлари ҳамма вақт ҳам самара беравермайдилар. Ўқитувчи мақсадли фаолият юритса, бунда унинг ҳаракатлари ва фаолияти талабалар тил ўрганишларининг юқори даражасини эгаллашга қаратилган бўлса, у ўз олдига керакли талабларни қўйиб бераверди ҳамда бу талабларга ўз вақтида жавоб беришга уриниб, ҳақиқий ютуққа эришиш имкониятига эга бўлади. Тилларни ўрганувчи талабаларга бунда қуйидаги талаблар қўйилиши муҳим [10]:

1.Қизиқиш.

2.Меҳнатсеварлик.

3.Интилувчанлик.


4.Ҳошиш ва ирода.

Касбий жиҳатдан тилларни эгаллаш билан бирга, принципиаллик, касбий етуклик, ташкилотчилик, зийраклик, кузатувчанлик, адолатчилик, танқидни қабул қилиш маданияти, ўзгаларни ишонтириш ва қизиқтириш қобилияти ва бошқа фазилатларни ҳам ҳисобга олиш ўринли. Шахсий сифатлар ила профессионал-педагогик кўникма ва қобилиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг бу кўникмаларига: билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик каби ҳислатлари мисол бўлиши мумкин. Шу билан бирга, услублар, шакллар, ўқув дастур ва материаллари такомиллашуви ва турли хилда эканлигига қарамай, инглиз тили ўқитувчилари доимий тарзда ўқитиш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб излайдилар:

- талабаларда инглиз тилига қизиқишни уйғотиш ва келажак фаолиятида унумли фойдаланишнинг муҳим эканлигини сингдириш учун нималар қилиш муҳим;
- талабаларда сўз бойлигини ошириш учун нималар самаралироқ натижа беради;
- грамматикани қандай услубда тушунтириш қулайроқ;
- янги услубларнинг камчиликлари ҳам мавжудми;

- натижавийликка эришишнинг асосий омилларини белгилаш учун нималар зарур ва ҳ.

Таҳлил ва натижалар. Талабаларни қуйидаги кўрсаткичлар бўйича қизиқтиришда ўқитувчининг фаолияти қатта аҳамиятга эга ижобий жараён бўлиб, унинг салоҳияти ва маҳорати алоҳида аҳамият касб этишини қуйидаги кўришда тасвирлаш мумкин:



Ўқитувчининг профессионал салоҳияти таълим сифатига таъсир кўрсатиш билан бирга, талабада касбий компетенция ҳосил қилиш, бунинг учун маълум ресурсларни сарфлаган ҳолда мустақкам пойдевор яратиш вазифасини ўтайди. Ўқитувчининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш ва фаол таълим турларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бўлажак шифокорларнинг касбий салоҳияти доирасидаги улғайиши даврида уларнинг инглиз тилини ўрганишдан қониқиш ҳосил қилувчи ижобий эмоциялар ва яхши кайфиятга эга бўлиши учун оптимал шакллари излаб топиш муҳим ва долзарбдир. Профессонал компетентлик масаласи тилларга ўқитиш нуқтаи назаридан мавжуд моделлар ва услубларни ҳисобга олган ҳолда, мослашувчанлик билан бир қаторда, ҳаракатчанлик ва мобилликни талаб қилади. Касбий тайёрганлик миқозлар ва истеъмолчиларнинг реал эҳтиёжлари билан боғлиқ жараён бўлиб, замон билан ҳамнафас равишда ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Тиббий олий таълимдаги малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги муаммолари каби вазифалар ечимини топиш бугунги кун таълим ислохотларининг кун тартибидagi асосий масалаларидандир. Шу билан бирга, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ҳамда хорижий муассаларда стажировка ўтиш ва малака ошириш масаллари ҳам олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш заруриятини тақозо этади. Ҳар бир замонавий тиббиёт ходимининг хорижий тилларни билиш саводхонлиги замон талабидир. Дарвоқе, инглиз тилини ўрганиш учун мотивацион муҳитни ҳар томонлама қучайтиришни олдимизга асосий мақсад қилиб қўяр

эканмиз, ҳар бир тиббиёт соҳа мутахассиси ўзи учун ана шу жараённинг энг асосий жиҳатини тушуниши шарт: ҳаракат қилиш керак, фаол меҳнат қилиш билан бирга ўз-ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлаш шарт.

Хулоса ва тақлифлар. Тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг барча босқичларида инглиз тилини касбий жиҳатдан керакли даражада ўзлаштириш учун энг аввало ҳар бир талабадан **“Нима учун тилларни ўрганмоқчиман ва бу билан нимага эришаман?” деган саволга аниқ жавобни олиш** мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бўлажак шифокор учун инглиз тилини иллюзия сифатида эмас, балки реал ҳолатда ўрганиш, ўрганилаётган тилнинг ёзиш, эшитиш, тинглаш ва гапириш компетенцияларини эгаллаш учун конкрет ҳаракат керак. Тиббиёт соҳа мутахассисларининг касбий фаолиятида бугунги кун тилларни билишга қаратилган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ўзи мазкур саволларга жавоб топишга қўмаклашиб, самарали услубларни топишга даъват этади. Таъкидлаш жоизки, тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг энг яхши маҳсули бу натижадир. Ҳеч қандай ижтимоий ва психологик тўсиқларнинг йўқлиги қониқиш ва мақсадга эришиш учун пойдевор яратади. Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг касбий компетентлигини янада ошириш учун ўқитиш жараёнининг сифати асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1.Тиббиёт ОТМларидаги талабаларни инглиз тилига ўқитиш муҳити, шунингдек, мутахассислик кафедралари педагог ходимлари ҳамда соҳа экспертлари ва олимларнинг тилларни билиш даражаси қанчалик

юқори бўлса, қолган кадрлар ва талабаларнинг ҳам тилларни ўзлаштириш истаги ортади.

2. Приоритетларнинг тўғри қўйилиши, касбий қизиқишни замонавий стандартларга мослаштириш, муҳитнинг қулайлиги, соҳа мутахассисларининг тилларни билишдаги юқори савияси – буларнинг барчаси кадрларнинг оммавий тил ўрганишига, самарали натижаларга эришишга, бу борада ўзини ўзи бошқаришига қулай шароит яратди.

3. Тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириши учун ўзининг мотивацион стратегиясини қабул қилишида инглиз тили ўқитувчилари учун зарур муҳит ва шароитларни яратиб бериши муҳим,

бунда мутахассислик ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, зарур ёндошувлар қабул қилинган ҳолда, уларнинг барчаси яхлит ўқув жараёни шаклида намоён бўлади.

Бўлажак шифокор кадрларнинг инглиз тилини билиш масалалари, бу борадаги уларнинг компетентлиги глобаллашув жараёнининг талабларига мослашган тарзда юқори натижаларга эришишнинг муҳим омилидир. Инглиз тилини тиббиёт олийгоҳлари талабалари томонидан пухта ўзлаштирилиши уларнинг касбий компетентлигининг шаклланишида, юксак натижаларга эришишида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Clement, T. Murugavel. English for Employability: A Case Study of the English Language Training Needs Analysis for Engineering Students in India. English Language Teaching; Vol. 8, No. 2; 2015. <http://dx.doi.org/10.5539/elt.v8n2p116>.
2. M.Jeon. Native-English speaking teacher's experience in East-Asian language programs. System 88(2020) 102178. www.elsevier.com/locate/system.
3. Yunping Ye. EAP for undergraduate science and engineering students in an EFL context: What should we teach? Ampersand 7 (2020). <http://dx.doi.org/10.1016/j.amper.2020.100065>.
4. Kuzmina, N. V. Professionalism of the personality of the teacher and the skill of industrial training. Kuzmina. — M.: High school.1990.198 бет.
5. Guskey T.R. (2000). Evaluating professional development. Thousand Oaks, CA: Corwin Press.
6. Thomas R. Guskey. Evaluating Professional Development. University of Kentucky, Lexington, KY, USA. 2000.
7. Dr. G.Manivannan. Teaching English for Specific Purposes: Learning and Teaching. January, 25th. <https://www.usingenglish.com>.
8. Hewings, M. A history of ESP through English for Specific Purposes. English for Specific Purposes World, UK 2002.
9. Common European Framework of Reference for Languages: learning, teaching, assessment", 1996. - 260 pp.
10. Д.Д.Буранова. Тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларига инглиз тилини ўқитишда соҳага оид янгича методик ёндошув. 100 б. Тошкент -2020.